

Бўлажак Хори Жий Тил Ўқитувчиларининг Web-Квест Технологияси Асосида Ахборотларга Таҳлилий Ва Танқидий Муносабатини Шакллантиришнинг Тизимли-Функционал Моделли

Жўраева Гулмира Зуфаржон қизи¹

Аннотация: Интерфаол усуллардан фойдаланиш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни татбиқ қилиш.

Ключевые слова: инновации, способности, знания, мышление.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида педагогик технологиялар, инновациялар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни татбиқ қилиш, кўпроқ талабаларни мустақил ишлашга ундаш, илғор тажрибалардан сабоқ беришнинг турли йўлларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Яна бир жиҳати муҳимки, олий таълим муассасарида таълим олаётган талабаларнинг касб-хунарга мойиллиги, лаёқатлари, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллашлари учун махсус фанларни ўқитишни самарали ташкил қилишни таъминлаш лозим. Бундай таълимий ўзгаришлар шароитида хорижий тилларни ўқитиш тизимини ҳам такомиллаштириш ҳамда чет тилларини ўқитишга инновацион технологияларни олиб кириш, илғор халқаро таълим муассасалари тажрибасини ўрганиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни ривожлантириш бугунги ахборий таълим кучайган ва ахборий-мафкуравий курашлар ортиб боратган шароитида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда уларнинг «фикрлаш тарзи ва тафаккур қилиш доирасини ўзгартириш, кенгайтириш ва унга янгича ёндашувлар орқали таъсир кўрсатиш самарали ҳисобланади. Умуман олганда, юксак тафаккур эгаси бўлиш ҳар бир кадрнинг энг муҳим сифати бўлмоғи керак. Чунки теран тафаккурли мутахассис муаммони юзага келишини олдиндан билади, вазиятларга тўғри баҳо бера олади»[132], тезкор қарор қабул қила олади ва бу ҳислатлар тил ўрганишда ва ўргатишда жуда керакли жиҳатлар саналади.

Ахборотлашув жараёни оқибатида дунё миқёсида ягона яхлит ахборот майдони шаклланди. Дастлаб олимлар ахборотлашув жараёнини кўпроқ техноген жараён сифатида талқин қилишга мойиллик билдириб, унинг сиёсий ва маънавий жиҳатларига эътибор бермадилар. Лекин сўнгги пайтларда унинг бу жиҳатларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилмоқда ва қайта – қайта такрорланмоқда[147]. Чунки бугун бутун дунёда ижтимоий муносабатлар, одамларнинг яшаш ва тафаккур тарзида кескин ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жаҳаларига ахборот-коммуникация ва компьютер технологияларининг кириб келгани ҳамда жадал ривожланиш йўлига ўтгани жамиятимизга ҳам катта ўзгаришлар олиб кирди. Зеро, бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари ташкил этади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва раванакнинг бош мезонига айланмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар асосида юз бераётган моҳияти чуқур ва сермазмунли ўзгаришларни, таълим жараёнидаги замонавий ахборот технологияларнинг аҳамиятини таҳлил қилар экан, баъзи мутахассислар таъкидлайдиларки, кадрлар тайёрлашда таълим-тарбия тизимида миллий ғоя руҳида ўқитиш, дарс беришни тубдан ўзгартиришни таълимда замонавий услубларидан кенг қўламда фойдаланишни, услубиятда янги-янги самарали методлар ишлаб чиқариш ва уларни қўллашни таққазо этмоқда[99]. Шу асосда кенг профелли мутахассис-кадрлар тайёрлашни яхшилаш, сифатини оширишни вазифа қилиб қўймоқда. Халқ таълими, олий таълимнинг барча тармоқларида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, тарбия, таълим, сиёсий ва касбий тайёргарликни изчил амалга оширишни ҳозирги давр талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори таълим тизимидаги ислохотларнинг мантикий давоми, ўз вақтида қабул қилинган муҳим тарихий ҳужжат сифатида баҳоланмоғи зарур[156]. Қарорда кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини кайд қилиш билан бирга, «олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга

¹ Фар ДУ чэт тиллари факултети ўқитувчиси

оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсиқ бўлаётган куйидаги бир қатор муаммолар сакланиб қолаётганига алоҳида аҳмият қаратилди»[156]. Булар куйидагилар:

Биринчидан, «олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билимини баҳолаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти;

Иккинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг фаолиятини, билимини ва педагогик кўникмасини баҳолашнинг замонавий тизими мавжуд эмаслиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда;

Учинчидан, олий таълим муассасаларига кириш тест саволлари абитуриентнинг мантикий фикрлаш қобилиятини, аналитик тафаккурини аниқлаш имконини бермаётганлиги иқтидорли ёшларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда муаммолар келтириб чиқармоқда;

Тўртинчидан, олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилмаганлиги ушбу соҳада кўплаб муаммоларнинг, энг аввало, коррупция ҳолатларининг сакланиб қолишига сабаб бўлмоқда;

Бешинчидан, олий таълим муассасаларининг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ва тизимли ўзгаришлардаги иштироки ҳамда ташаббускорлиги сезилмаяпти, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти ханузгача коникарсиз бўлиб қолмоқда;

Олтинчидан, республикада олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали халқимизга, кенг жамоатчиликка тушунтиришда олий таълим муассасаларининг фаол иштироки йўлга қўйилмаган;

Еттинчидан, олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмаган, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклиф киритиш борасида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган»[157]. Демак, олий таълим тизимида ўқитишнинг сифатсизлиги бошқа бир муаммоларни ҳам, хусусан, ахборотлар билан тўғри ишлаш кўникмаларини ҳам шаклланишига тўсқинлик қилмоқда.

Фойдаланилган Адабиётлар

1. Фалсафа қомусий луғат. Тошкент.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2004, -Б. 495.
2. Философский энциклопедический словарь. – М.: Энциклопедия, 1999. – 513 с.
3. Фроликова О.А. Мотивация как фактор развития личностно-профессиональных качеств студентов. – Орел: Изд. Александр Воробьев, 2010. – 180 с.
4. Ҳасанов Ш. Адабий таълим жараёнида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш. (Олий филологик таълим мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. Наманган. АДУ. –Б. 11
5. Яковлев Е.В. Реализация аксиологического подхода в педагогическом исследовании // Вестник ЮУрГУ. Серия: Образование. Педагогические науки. – 2012. – № 4(263). – С. 26-29.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – 107.
7. Qizi, J. G. Z. (2021). The effect of innovative methods in teaching English as foreign language.
8. Zufarjonovna, J. G. (2022). BENEFITS OF USING WEB-QUEST TECHNOLOGY IN ENGLISH LESSONS AS FOREIGN LANGUAGE. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11*, 158-160.
9. Жўраева, Г. З. (2022). БЎЛАЖАК ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ WEB-КВЕСТ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА АХБОРОТЛАРГА ТАҲЛИЛИЙ ВА ТАНКИДИЙ МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(10), 235-238.
10. Tojiyev, T. K., & Toshboltayev, F. U. (2021). METHODOLOGY OF TEACHING INFORMATION TECHNOLOGIES WITH INNOVATIVE TECHNOLOGIES. *Экономика и социум*, (4-1), 414-416.
11. Tojiev, T. H., & Ibragimov, S. M. (2019). NUMERICAL SOLUTIONS OF THE CAUCHY PROBLEM FOR THE GENERALIZED EQUATION OF NONISOTROPIC DIFFUSION. *Bulletin of Namangan State University: Vol, 1(10)*, 6.
12. Тожиев, Т., & Отахонов, А. (2018). Стохастические методы аппроксимации решения смешанной задачи для обобщенного уравнения не изотропное диффузии. *Современные научные исследования и разработки*, 1(5), 634-636.

13. Aldashev, I. T., Komilova, Z. K., & Nazirjonova, F. S. (2021). THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASIS OF USING MULTIMEDIA TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES. *Экономика и социум*, (2-1), 49-52.
14. Порубай, И. Ф. (2022). Лексические Свойства Современного Автоспортивного Дискурса (На Примерах Английского И Русского Языков). *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, 3(11), 159-168.
15. Azimbayevna, D. G., & Vohidovna, X. X. (2021). FEATURES IN THE TRANSLATION OF MEDICAL TERMS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(11), 470-474.
16. Zufarjonovna, J. G. (2022). USING WEB-QUEST TECHNOLOGY IN ENGLISH LESSONS AS FOREIGN LANGUAGE. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11*, 161-164.